*Ихтиёр этмайман дунё лаззатин,*
*Шукур, танда урар хаста бир юрак.*
*Деймак: бардош эрур менинг қисматим,*
*Ям-яшил баҳорлар қилмоқда тилак:*
*Давлатлар ичидан топган зийнатим,*
*Онам, ғамгусорим, зўр саодатим!*
*Оҳ, дардни енгдингиз матонат билан,*
*Сабрингиз уммондир билмас чегара.*
*Яна қуёш мисол бошимни силаб,*
*Дардингни билай деб куясиз, Она!*



# ЭҲТИРОМ

**Нодира ЖЎРАЕВА, ТДИУ талабаси**

*Дармонингиз бўлай, бўлинг сиз омон,*
*Қувватим, қудратим, азиз Онажон!*
*Умрим йўлларини ёритган чироқ,*
*Қўлларимни тутган улуғ ҳамроҳим.*
*Пойингиз мен учун улуғ саждагоҳ,*
*Қулашга қўймаган муқаддас тоғим!*



*Сизсиз порлаган бахт менга не керак,*
*Бахтимни кўринг, деб, қиламан тилак*
*Бу гулшан гулига ўзингиз боғбон,*
*Сизсиз қасрлар ҳам эрур вайрона.*
*Сизнинг кўксингизга бошимни қўйсам,*
*Ғаму андуҳлар ҳам бўлар бегона!*
*Кимга керак ахир қуёшсиз осмон,*
*Осмоним, офтобим, азиз Онажон!*
*Сиз меҳрибон Она, вафоли ёрсиз,*
*Минг куйларнинг авжи, узилмас торим.*
*Аёзларни енгган гўзал баҳорсиз,*
*Сизга садқа бўлсин не бўлса борим.*
*Тилимда жаранглар ягона истак:*
*Роҳатда юринг, деб, қиламан тилак.*




Ёзнинг ҳароратли нафаси келиб қолди. Болабақра анҳору ариқ ёқасидан нари кетмайди. Муздек сув жонга роҳат бағишлайди. Мазза!..

# Ҳайр, мактабим!

**Дилларни орзиқтирувчи сўнгги қўнғироқ... Ҳаяжонли дақиқалар...**

**Кечагина мактаб остонасига қадам қўйган ўғил-қизлар бугун катта ҳаёт бўсағасида турибди. Ўн бир йил шу мактабда билим сирларини ўрганиб, оламни таний бошлаган ёшлар қадрдон мактаб, жонажон устозлар, ардоқли синфдошлар билан хайрлашиш арафасида.**



Хайр, демоқ осонми? Бунда ҳамма нарса қадрдон ахир. Бугун кўнглингизга тинчлик бермаётган ўйлар, эртанги кунга бўлган ёруғ ишонч, орзулар... ҳамма-ҳаммаси бир бўлиб сизни ҳаяжонга солаверади. Қўнғироқнинг жарангидан ҳушёр тортасиз. Устозлар сизга ишонч билдириб, мустақил ҳаётга йўлланма беришади, оқ йўл тилашади.

*Оқ йўл сизга, азиз битирувчилар!*

Шунча йиллар давомида шўхликларингиздан қувонган қадрдон гўша, сирли шивир-шивирларингизга гувоҳ бўлган хоналар ҳам хомуш тортгандек гўё.

Ҳаёт ҳақидаги тасаввурларингиз ортади. Энди ўзингизни кўп нарсага тайёрдек сеза бошлайсиз. Хаёл йўргагидаги ҳаёт тикланиб келмоқда энди. Сизни нималар кутаётганини билмайсиз. Тақдир қандай тухфалар ҳозирлаб қўйибди экан сиз учун?

Қалблардаги титроқ орзулар сурурига ҳамоҳанг. Бахтли келажакни ваъда этиб жаранглаётир бу қўнғироқ. Самимий тилаклар айтилиб, севинч ёшлари тўкилмоқда. Бир вақтлар меҳр тўла бағрини очиб, ўқишни, ёзишни ўргатган устозларга таъзим ила ташаккурларини тўлиб-тошиб айтмоқ истайди кўнгил.

Қўнғироқнинг сўнгги садолари бонг урди, кўнгилларга титроқ тушди яна. Мактаб ҳовлиси узра чарх уриб учаётган қалдирғочлар ҳам битирувчиларга оқ йўл, ойдин келажак тилаётгандек.

Ёруғ истакларингизнинг барчасига рўёб тилаймиз!

**Ўлмасбек ХЎЖАЕВ**




# ЕВРОПАДА ЯНГИ ДАВЛАТ ПАЙДО БЎЛДИ

**Эндиликда Европа харитасида яна бир янги давлат пайдо бўлди — Черногория аҳолиси якшанба куни бўлиб ўтган референдумда Сербиядан ажралиб чиқишга овоз беришди.**



Черногория сайлов комиссияси референдумда мустақиллик учун курашган блокнинг ғалаба қозонганини тасдиқлади. Сайлов комиссияси раҳбари берган маълумотларга қараганда, Черногориянинг ажралиб чиқиши учун курашган бош вазир Мило Жуканович блоки умумий сайловчиларнинг 56,3 фоиз, Социал–халқ партияси етакчиси Предгор Булатович бош бўлган ҳозирги Сербия–Черногория давлатчилигини сақлаб қолиш тарафдорлари эса 43,2 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлишган.

Европа Иттифоқи томонидан берилган тавсияларга кўра, референдумда қўйилган «Сиз Черногориянинг мустақил давлат ва халқаро ҳуқуқнинг субъектига айланишини хоҳлайсизми?» саволига сайловчиларнинг 55 фоизи «ҳа» жавобини берса, маъқулланган деб ҳисобланади.

Пойтахт Подгорице шаҳрида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Черногорияда референдум ўтказиш бўйича республика комиссияси раиси Франтишек Липканинг айтишича, баъзи сайлов участкаларидан маълумотлар келиб тушмаган. «Аммо улар референдум натижаларига сезиларли таъсир ўтказмайди», — деди Ф.Липка.

Референдумда сайлаш ҳуқуқига эга фуқароларнинг 86,3 фоизи иштирок этган.

Бош вазир Мило Жуканович эришилган ғалаба хусусида гапирар экан: «Ака–укалар ҳам ҳар қайсиси ўз уйида яшагани маъқул», — деган фикр билдириб ўтган. Бироқ мутахассислар бу «ажралиш» эндиликда Черногориянинг майда алоҳида бўлакларга бўлиниб кетиш хавфини юзага келтириши мумкин, дея башорат қилишмоқда.

Айтиб ўтиш керакки, Сербия ва Черногория иттифоқи фақат қоғоздагина мавжуд эди. Икки давлат ҳам турли валюта, божхона тўловлари, махсус хизматларга эга ва улар ўртасида чегара чизиғи ҳам мавжуд бўлган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Черногория мустақиллигини расмий равишда тасдиқлади.

# ИСРОИЛ ФАЛАСТИН ХАЛҚИГА ЁРДАМ БЕРИШГА ТАЙЁР

**Исроил Фаластин миллий мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос билан музокаралар олиб боришга тайёр эканини билдирди. Исроил тарафи «Йўл харитаси» халқаро режасини ҳали актуал деб ҳисобламоқда.**

Бу ҳақда Исроил ташқи ишлар вазири, бош вазирнинг биринчи ўринбосари Ципи Ливни маълум қилган. Вазир Мисрнинг Шарм аш–Шайх шаҳрида Давос иқтисодий форумининг Яқин Шарқ сессияси доирасида Маҳмуд Аббос билан музокаралар олиб борди. Унда Маҳмуд Аббоснинг Исроил бош вазири Эхуд Олмерт билан учрашуви масаласи муҳокама қилинди.

Учрашувда, шу билан биргаликда, Исроил томони «Хамас» ҳукумати халқаро ҳамжамият томонидан тан олинмаслиги зарурлигини таъкидлади. «Бу ташкилот террористик ташкилот, — деди Ц.Ливни. — Бироқ биз Фаластин халқига ёрдам беришни истаймиз, жазолашни эмас».

Жумладан, Исроилда Фаластинга тиббий асбоб–ускуналар ва дори–дармон сотиб олиш, шифокорларга маош тўлаш учун 11 миллион доллар ажратиш ҳақида қарор қабул қилинди, дейилади хориж матбуоти саҳифаларида.

Бироқ шу йилнинг февралида Исроил солиқ ва божхона тўловлари тўпланадиган Фаластин мухторияти ҳисоб рақамларини (ҳар ойда 55 миллион долларни ташкил этади) музлатиб қўйганди.

Маҳаллий газеталар тарқатган хабарларда айтилишича, ҳозир «Хамас» ҳукуматини четлаб ўтган ҳолда фаластинликларга ёрдам бериш йўллари қидирилмоқда. Исроил ҳукумати «Хамас» ташкилоти ва у тузган ҳукумат билан Исроил давлати мавжудлигини тан олиб, террордан воз кечмагунча, алоқа қилишдан бош тортган.

# «ЭРОН ҲЕЧ ҚАЧОН УРАННИ БОЙИТИШ ЛОЙИҲАСИДАН ВОЗ КЕЧМАЙДИ»



**Бу ҳақда Эрон ташқи ишлар вазирлиги вакили Ҳамид Ризо Асефи маълум қилган. «Республика танлаган йўлидан воз кечмайди», — қўшиб қўйган ТИВ вакили.**

Эрон ядро дастури атрофидаги келишмовчиликларни ҳал этиш масаласида Европа Иттифоқидан таклифлар кутмоқда. Эрон бу таклифларда унинг тинчлик йўлида атом энергетикасини яратишга бўлган ҳуқуқи инобатга олинишига умид билдирган.

«Нима бўлган тақдирда ҳам европаликлар ўз лойиҳасини Эронга тақдим этганидан сўнггина биз ўз фикримизни айтамиз», — тушунтириш бериб ўтди Ҳамид Ризо Асефи.

Хориж оммавий ахборот воситаларида Европа Иттифоқининг таклифларига «енгил сувда реактор қуришга ёрдам бериш» банди ҳам киритилган, дея хабар берилмоқда. Бундан ташқари, «евроучлик» АҚШдан Эронга фуқаролик самолётларини сотиш масаласини ўрганиб чиқишни сўраган.

# БАСАЕВ ТЎДАСИ АЪЗОСИ 12 ЙИЛГА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИЛДИ

**1995 йил Будёновск шаҳрига ҳужум қилган Басаев тўдаси аъзоси Нур–Муҳаммад Хатуев Ставропол ўлка суди томонидан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинди.**

Хориж матбуотида ёзилишича, айблов тарафи судланувчига нисбатан 14 йиллик озодликдан маҳрум қилиш жазосини сўраган, ҳимоя тарафи эса уни оқлашни талаб қилган.

Н.Хатуевга Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 209 (бандитизм), 205 (терроризм), 126 (одамларни ўғирлаш), 222 (қурол–яроғларни ноқонуний равишда олиб юриш) моддалари бўйича айб эълон қилинган.

Бир неча йилдан бери федерал қидирувда бўлган Нур–Муҳаммад Хатуев 2005 йил май ойида Минскда қўлга олинган ва Россияга экстрадиция қилинган эди. Тергов жараёнида у қўйилган айбларга иқрорлик билдирган, аммо РФ Конституциясининг 51-моддасига кўра, судда кўрсатма беришдан бош тортган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

# Айтилмаган ҲАҚИҚАТ

**Бу воқеа ўтган асрнинг 30 йилларида бўлган эди. Бироқ у айтилмади, сир сақланди. Тилсим билан юзма-юз учрашган кеманинг борт журналида ёзилганича 70 йил архивда ётди...**

Советларнинг «Мария» номли кемаси Тинч океани орқали Жанубий Американинг бир штатида хуфия юк таширди. Кунлардан бир куни қуёш ботган пайтда вахтада турган матрос сувда бир нарсанинг қалқиб-қалқиб кўринаётгани ҳақида маълум қилади. «Мария» кемасининг командаси палубага чиқиб, синчиклаб қарашса, чиндан ҳам сув ости кемасига ўхшаш нарса кўришади.

Капитан беш матросни уммонга тушириб, сафарни давом эттиришга халақит берган бу жумбоқнинг нима эканини билишга мажбур бўлади. Матросларнинг ўша нарса ичига тушганини «Мария» кемасининг командири кўриб туради. Матрослар ичкарига тушиши билан чўкиб-чиқиб турган аппарат ишга тушиб кетади. «Мария»дагилар кўзларини очиб-юмгунча уммон юзидаги аппарат бир зумда ғойиб бўлади.

«Мария» кемаси кўз олдиларида йўқ бўлган беш матросни нари-бери излаб, атрофда ҳеч нарса кўринмагандан кейин йўлларини давом эттиришга мажбур бўлишади. Қайтишларида ўша йўналиш билан юришади. Ўтган сафарги воқеа бўлган ерга яқин қолганда, уммон юзида нимадан ишлангани номаълум, ялтироқ аппарат ва унинг устида ўзларининг уч матросларини кўришади. Қолган иккиси йўқ эди. Матрослардан бири кемани кўриб, олға қадам қўяётганида сувга қулаб, уммонга чўкиб кетади. Тирик қолган икки матроснинг айтишларича, улар номаълум аппаратга кирганда, кийим кийганларга дуч келишади. Уларни одамникига ўхшаш оёқ-қўллари бўлмаса, одамга ўхшатиб бўлмасди. Бармоқларининг ораси кўршапалак қанотига ўхшаш юпқа тери. Улар товуш чиқармасдан имо билан энди уларга хизмат қилишлари кераклигини тушунтиришади. Розилик берган икки денгизчини бошқа хонага, ўзга учтасини бошқасига олиб кетишади.

«Мария» капитани Ленинградга келгандан кейин кўрган-билганлари ҳақида министрликка рапорт беради. Капитан билан икки денгизчи текширишлардан ўтказилади. Узоқ оворагарчиликлардан кейин икки денгизчининг бири «кўрмадим», «билмадим», деб айтганларини рад этади. Айтганидан қайтмаган иккинчи денгизчини жиннихонага ётқизишади. Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасликка қасамёд қилган капитандан тилхат олиб, бўшатиб юборишади. «Мария» кемасининг борт журналида батафсил ёзилган ўша жумбоқли воқеанинг тафсилоти шундан иборат.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади**

# КАШФИЁТЧИНИНГ ҚИСМАТИ

**XIX аср. Германиялик Паул Шулц исмли қассоб иш қидириб, Америкага бориб қолади. У узоқ вақт ўзига лойиқ иш тополмай, хуноб бўлиб юрганда, газетадаги бир эълонга кўзи тушади: «Чикаго шаҳридаги катта кушхонада бўш ўринга ишчилар қабул қилинади».**

У кушхонага ишга киради. Кушхонада сўйилаётган минглаб ҳайвонларнинг узун-узун ичакларидан мусиқа асбобларига тор ясалиб, қолганлари ҳандаққа ташланар ёки итларга берилар эди. Паул ҳар куни бир қулочча аччиқ ичак олиб кетар ва кўримсизгина ижара кулбасида қовуриб еб, тирикчилик қилиб юради. Бир куни аччиқ ичакка қийма солиб, хасип тайёрлайди. Кейинроқ қиймага янчилган пиёз, саримсоқ, қалампирмунчоқ, лавр япроғи қайнатмаларидан қўшиб, тажрибасини давом эттиради. У ўзи ижод қилган хасипни «сосиска» деб атайди. Паул сосискаларни мол, қўй ва чўчқа гўштларидан тайёрлаб кўради. Энг яхши сосиска чўчқа боласининг гўштидан тайёрланган бўлиб, «сутли сосиска» атамасини олади. Негаки у эмизикли чўчқа боласининг гўштидан қилинган, унга асло сут қўшилган эмас.

Шундай қилиб, қаҳрамонимиз сосисканинг энг хушхўр ва антиқа хилини кашф қилади. Саримсоқ ва турли зираворлар билан бойитилган қиймани аччиқ ичакка солиб, калта-калта боғлаб буғда пиширади. У ўз ихтиросига она шаҳри Франкфурт номини ҳам беради. Аммо содда қассоб пазандачилик соҳасидаги кашфиётини сир тутиши зарурлигини англамайди. Паул кўринганга хушхўр колбасачалар тайёрлаш технологиясини айтиб бераверади. Ҳатто пишириб кўрсатишдан ҳам тоймайди. Оқибатда, рақобат бу камбағалнинг бошига бало бўлади.

Сосиска тайёрлаш технологиясига патентни бошқа корчалонлар олиб, бойиб кетадилар. Чикаго, Сан-Франциско, Вашингтон, Нью-Йорк ва бошқа шаҳарларда кўплаб сосиска марказлари пайдо бўлади. Фалакнинг гардиши билан Паул Шулцни кушхонадан ҳайдаб юборишади. Қариган чоғида бор-йўғидан ажраган бу ғариб бирорта сосискахонага ишга киришга умид боғлар эди. Лекин унинг бу умиди амалга ошмайди. Очликдан силласи қуриган кашфиётчи сосискахоналардан бирининг остонасида жон беради.

**Дилсора МИРЗААҲМЕДОВА тайёрлади**

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-80
136-56-29
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 723.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди 20.00